



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛАТИГА БЎЛГАН НАФРАТИ ҲАҚИДА

*(Диктатор ўлимнинг бир
йиллигига)*

Шу йилнинг 29 август куни диктатор Ислом Каримовнинг ўлганига бир йил бўлди. Шусабадан ўтган йили тўйиб йиғлаёлмаган манқуртлар золимнинг ўлимига бир йил тўлганлиги муносабати билан хотирлаш ва оммавий йиғи маросимларини бошлаб юборишди. Аҳмоқ жонотларнинг танланган бир қисми эса, ўзбек халқининг душманига Тошкентда ўрнатилган темир ҳайкалга таъзим қилишга ҳам улгуришди.

Ҳатто ҳайвонлар ҳам ўз душманларини яхши танийдилар. Аммо, баъзи “одам”лар ўз халқининг душманини аниқлашга қодир эмаслар. Бундан ташқари, улар уни ўзларининг меҳрибон оталари деб ҳисоблашади.

Биз, Ислом Каримов ўзбекларни ҳайвонлар дея ҳисоблаган, деб ўзбек манқуртларининг фикрини ўзгартирмакчи эмасмиз.

Фақатгина соғлом фикрловчи одамлар учун, Каримов ўз кундалик ҳаётида Ўзбек халқи ҳақида севиб тилга оладиган сўзлари ва ибораларни келтириб ўтмоқчимиз. Шундай қилиб...

**Ислом Каримов ўзбек халқи
ҳақида**

Ислом Каримовнинг энг сеvimли оғзаки ихтироларидан бири, “Ўзбек” ва “Бўк” сўзларидан ташкил топган “Ўзбўк” сўзидир.

“Қаерда ўзбўк бўлса, онасини с...ай!”, “Сассиқ ўзбўклар!”, “Монголдан таркаган ўзига ўзи бўклар!” – бу ўзбек халқи ҳақидаги Каримовнинг сеvimли “таърифлари”дан баъзалари халос.

2005 йил Ислом Каримов кўрсатмаси билан Оксарой резиденциясидаги президент қабулхонасида микрофон ва овоз карнайлари билан жиҳозланган ойнадан ясалган тўсиқ ўрнатилганини, Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ва президент девони ходимлари билишади. Авваллари ўз маслаҳатчилари ва ўзбек ҳукумати мансабдорларини бевосита ўзининг хонасида қабул қилган Ислом Каримов, 2005 йилнинг иккинчи ярмидан улар билан, замонавий камокхоналардаги каби ойна ортидан мулоқот қила бошлади.

Диктаторнинг кайфияти яхши бўлган кунларнинг бирида, Ўзбекистон президенти девони фаолиятини бошқарувчи Зелимхон Хайдаров Каримовдан шундай

деб сўраган: “Ислом ака, сизнинг қабулхонангиздаги ушбу ойна деворга нима ҳожат бор?”. Ўшанда золим: “Ман шу сассиқ ўзбўклар нафас олаётган ҳаводан нафас олгим келмайди”, деб жавоб берган ва кулиб юборган.

Ислом Каримовга ҳамоҳанг бўлиш учун Зелимзон Хайдаров ҳам қўшилиб кулган. Каримовнинг ҳақорати Хайдаровга тегиб кетмади, чунки у этник ўзбек эмас.

З.Хайдаров эртаси кунёқ президентнинг ушбу “ақлли” жавоби ҳақида телефон орқали этник ўзбек бўлмаган Р. Иноятов, М.Тоҳирий, Ф.Муллажонов ва Б.Матлубовларга айтиб берди.

Ислом Каримов ўзбекларни уларнинг у ёки бу вилоятга тегишлилиги бўйича ажратар эди. Шутарикаубарчасурхондарёликлар ва қашқадарёликларни “тўштхўр сурқашлар” ва “маданиятсиз моллар” деб атарди. Фарғона водийси ўзбекларини эса “кўт ваҳхобийлар” дерди.

Каримовнинг турли вилоят ўзбекларини ажратиши, унинг умуман ўзбек халқига бўлган очиқ нафратини яққол намоён қилар эди. Аммо, золим айниқса, айтиш мумкинки зоологик равишда хоразмликлардан нафратланарди. Шундай қилиб...

“Инсониятнинг орқа тешиги”

Ислом Каримов Хоразм ва хоразмликларни шундай атарди.

“Хоразмликлар бу – пасткаш ва юкори пробали хоинлар, барча хоразм аёл ва қизлари эса бу – раққоса ва фоҳишалар”, “Хоразм ва хоразмликлар бу – инсониятнинг орқа тешиги”, дея такрорларди Ислом Каримов, ҳар сафар бу қадимий воҳа ва халқ ҳақида гап очилганда.

2004 йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтган Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзовнинг Бухородаги учрашувида, туркман ёкилғисининг Хоразм вилоятига ноқонуний тарзда олиб ўтилишини бартараф қилиш мақсадида, туркман президенти Хоразм

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

вилояти учун бепул туркман бензинини таклиф қилди.

Каримов эса: “Инсоният орқа тешигига ёрдам беришнинг нима кераги бор? Қийналаверишсин!”. Бундай жавобдан, ўзбекофобия билан ажралиб турувчи Сапармурод Ниёзов ҳам донг қотиб қолган.

2008-2010 йиллар Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси фермерлари сув танқислигидан қийналишганида, Шавкат Мирзиёев ушбу ҳудудларда пахта ва ғалла терим бўйича режаларни қисқартиришни таклиф қилган. Ўша вақтдаги Бош вазир ўзининг таклифига жавобан Каримовнинг сўкишини ва президентнинг: “Сассиқ Хоразм куруқчиликдан ўлиб кетсин!”, деган истагини эшитган.

Юқорида жойлашган Шовот, Қўшқўпир, Гурлан ва Янгибозор туманларига қўшимча сув насосларини ўрнатиш учун бюжет маблағлари ажратишни таклиф қилганида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, хоразмлик Маркс Жуманиёзов ҳам Каримовдан худди шундай жавоб олган. Жуманиёзовни яхшилаб ҳақоратлаган Ислом Каримов шундай ҳукм чиқарган: “Хоразмнинг бу туманлари чўлга айланиб кетсин, аҳолиси эса очликдан ўлсин! Шунда дунёда пасткашлар камаяди”.

Хоразмликларга бўлган айнан шу нафрат туфайли Каримов 1999 йилда Хоразмнинг Соримой посёлкасида террористлар ва гаровга олинганлар бўлган автобусни ўққа тутиб, барчасини ўлдиртириб юборган.

Президент Каримовнинг хавфсизлик хизмати ўзининг чорак асрлик фаолияти давомида фақатгина иккита Ўзбекистон фуқаросини ўлдирган. Ажабланарли, лекин ҳақиқат: икки қотиллик ҳам Хоразм вилоятида рўй берган, иккала ҳолатда ҳам тинч хоразмликлар ўлдирилган.

Биринчи ҳодисада Хоразм вилоятининг Боғот туманидан бўлган фермер, Шариф Ражабов отиб ташланган. Кекса фермер Каримов билан суҳбат давомида, телевизион камералар ўнгида ўлдирилган. Фермер оёғини чакиб олган арини ўлдириш учун кутилмаганда эгилганида, Каримов тансоқчилари унинг бошини орқасидан отиб ташлашган.

Иккинчи ҳодисада эса Каримов қўриқчилари, Урганч туманидан



бўлган 14 ёшлик Бобурбек Жуманиёзовни отиб ташлаган. У велосипедда қишлоқ йўлидан келаётиб тасодифан Каримов кортежига дуч келиб қолган.

Иккала ҳодисада ҳам Ислом Каримов ўз қўриқчиларидан бўлган қотилларга “сезгирлик ва тезкорлик” учун миннатдорчилик билдирган.

Ўзбек диктатори айтиш мумкинки, хоразмликларга қарши курашда ақлдан озган эди. Каримов раҳбарлиги даврида, диктаторнинг оғзаки кўрсатмасига биноан, Хоразмликларни юқори мартабали ҳукумат лавозимларига тайинлаш ман қилинганди.

Хоразмликларга нисбатан Каримовнинг зоологик нафратининг асосий сабаби, албатта, ушбу вилоятнинг Янгибозор вилоятидан бўлган, унинг биринчи президентлик сайловларидаги рақиби, Муҳаммад Солиҳ эди.

Ислом Каримов Янгибозорликларни ҳаттоки давлатнинг кичик лавозимларига тайинланишини ҳам тақиқлаган эди. 2010 йилда Хоразм вилояти Миллий хавфсизлик хизмати, Хоразм вилояти ҳокимининг Янгибозор вилоятида туғилган ўринбосарларидан бири, паспортдаги туғилган жойи қисмида Гурлан туманини кўрсатганини аниқлашган. Ҳоким ўринбосари МХХ терговчилари олдида, Янгибозорликларни мансабга тайинлашга нисбатан Каримовнинг тақиқи сабабли бошқа туманни кўрсатишга мажбур бўлганини тан олган.

“Салаев” ва “Мадаминов”

фамилияли хоразмлик мансабдорларга айниқса қийин бўлган. Ҳар сафар МХХ офицерлари билан ўтказиладиган “кадрлар билан суҳбат” давомида, шундай фамилияли хоразмликлар, улар муҳолифатчи Муҳаммад Солиҳга ҳеч қандай қариндош эмасликларини исботлашлари керак эди.

Балки, президент Шавкат Мирзиёев: “25 йил давомида биз Хоразмни йўқотдик! Ўтган йиллар учун биз хоразмликлар олдида қарздор бўлиб қолдик!”, деганда хоразмликларнинг айнан юқорида таъкидланган азобларини кўзда тутгандир. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида...

Санобар Каримова ва самарқандлик яҳудий Исҳоқ Мирзоқандовнинг никоҳсиз ўғли Ислом Каримов, бутун умри давомида ўзбек халқи ва умуман мусулмонларга нисбатан қаттиқ нафрат билан яшади. Ҳали 27 ёшида у ўзининг биринчи турмуш ўртоғи Наталя Кучмага, “ўзбек халқининг эркакларини қулга, аёлларини эса фоҳишаларга айлантириш керак”, деб айтган.

Унинг Ўзбекистон президентлиги лавозимидаги бутун фаолияти, асосан, Ислом динига, мусулмонлар ва ўзбекларга қарши курашишга бағшланган эди. Айнан унинг шахсий кўрсатмаси билан Тошкентдаги студентларни ва Андижондаги тинч намойишчиларни отиб ташлаш ташкиллаштирилган эди.

Сиёсий ва диний маҳкумларда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўллаш мақсадида, ўзбек чекистларига энг ваҳшиёна қийноқ турларини ўргатишлари учун Исроил махсус хизматлари офицерларини ёрдамга чақирган айнан у эди. Ушбу жирканч вазифани мунтазам ва мукаммал ижро қилишни, ўша пайтдаги Ўзбекистон МХХ раиси биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломовга топширган ҳам айнан Ислом Каримов эди.

Айнан Ислом Каримовнинг шахсий кўрсатмаси билан дунёнинг энг даҳшатли турмаларидан бири, ўзбек халқининг салоҳиятли онглари учун қабристонга айланган ва Ислом Каримов раҳбарлиги даврининг инсониятга қарши тимсоли бўлган – Жаслик қамокхонаси қурилган эди.

Бизнинг фикримизча, Самарқанддаги Хазрати Хизр қабристонини бу золимнинг мурдасидан тозалаб, уни Жаслик қамокхонасининг ҳовлисига олиб бориб кўмиш керак. Бу золимнинг қабрини кўриб, унинг устида йиғлашни истаганлар, аввал Жаслик қамокхонасининг камераларини кўришсин.

Яқинда, ўлган диктаторнинг жияни Жамшид Каримов Facebook ижтимоий тармоғида, унинг амакиси Ислом Каримов ҳақиқатдан ҳам Санобар Каримованинг никоҳсиз туғилган ўғли эканлигини эътироф этди.

Facebook ижтимоий тармоғидаги ўзининг ёзувларидан бирида Жамшид Каримов Ислом Каримов ҳақида шундай деб ёзди: “Агарда менинг қўлимда бўлганида эди, мен унинг ярим чириган танасини ифлос чуқуридан суғуриб олиб, биринчи дуч келган симёғочга уриб парчалаган бўлар эдим”.

Ёзувининг сўнгида эса Жамшид Каримов тожикчада: “Жаханнамба рау, ту – хароми! Нас... падаркуш...!” (“Муттахамнинг изидан айтадиганим шу: “Жаханнамга равона бўл, хароми, нас, падаркуш!”) деб ёзди.

Шундай экан жаноб манқуртлар, бу қонхўр учун йиғламасдан, Ислом Каримовнинг ўлиmidан хурсанд бўлиб дўшпиларни тепага отиш керак!

Ислом Каримов қабила учун, яшасин жаханнам!

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
02.09.2017



Президент матбуот котиби ва МТРК раиси ишдан кетган

Би-би-си Ўзбек хизматининг хабар беришича, Асаджон Хўжаев ва Бобур Алихонов бир кунда ишдан олинган. Бу ҳақдаги янгилик интернет оламида кеча кечга яқин бўй кўрсатган. Аммо ҳалича икковлоннинг ўз вазифаларидан четлаштирилганликларига оид расмий хабарлар йўқ.

Бу хусусда хабар берган Ўзбекистондаги кўплаб интернет нашрлари эса, ҳукуматда ва қатор телеканаллардаги манбаларига таянаётганликлари ҳақида ёзишган. Лекин деярли ҳеч бир хабарда уларнинг нега “ишдан бўшатирилганликлари ёки кетганликлари” сабаби келтирилмаган.

Асаджон Хўжаев ўтган йил август ойида Ўзбекистон президенти матбуот хизмати раҳбари этиб тайинланган.

Бу ҳақда хабар бераркан, rodrobno.uz интернет нашри 2016 йил 4 декабрь кунги Ўзбекистон президенти сайлови ортидан, Асаджон Хўжаев тайинлангунга қадар ушбу лавозимнинг бўш (вакант) бўлгани ҳақида ёзган.

Янги матбуот хизмати раҳбарининг тайинланиши учун яна қанча вақт кетиши номаълум эканини қўшимча қилишни ҳам унутмаган.

Бобур Алихонов эса, қарийб бир ойдан буён Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажариб келган. Агар, хабарлар рост бўлса, бу – ўтган саккиз ойнинг ичида учинчи раиснинг ўз вазифасидан четлатилиши бўлади.

Муносабат

Балки, худди шу боис ҳам, сўнгги хабарлар интернет оламида таажжуб ва тушунмовчилик билан қарши олинган.

Ижтимоий мулоқот тармоқларида ўзбекистонлик аксарият интернет фойдаланувчиларининг эътиборини тортган, кўпроқ киновий ва ҳажв мазмунидаги изоҳларга сабаб бўлган.

Шу соатларда бу хусусда Асаджон Хўжаев ва Бобур Алихонов ўзларининг муносабатлари ҳам

имконли эмас. Аммо Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси расмий веб саҳифасининг раҳбарият саҳифасида раиснинг ўрни бўш қолгани кўринган.

Бирок Kun.uz нашрининг ўз манбаларига таяниб хабар беришича, бу истеъфолар ўзаро боғлиқ. “Икки раҳбар ҳам Самарқанд шаҳрида бошланган “Шарқ тароналари” фестивалининг ёритилишида йўл қўйилган камчиликлар туфайли ишдан олинган.

Танқидлар

Аммо, эслатиб ўтиш жоиз, шу йилнинг 30 март куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев махсус видеоселекторда телевидение фаолиятига тўхталган. Йиғин чоғида телевидение фаолияти танқид қилинган ва тизимни ўзгартириш кераклиги таъкидланган. Бу соҳада аҳвол “эски ҳаммом, эски тос” бўлиб қолаётгани айтилган.

“Ура-урачилик замони ўтди. Телевизорда танқидий ва таҳлилий материаллар бериш керак. Одам кўрсатувларни соғиниб кутиши керак. “Ахборот” кўрсатувини ўзгартиришимиз керак”, – деганди президент Мирзиёев.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва айрим каналлари раҳбариятидаги кетма-кет ўзгаришлар эса, президентнинг ана шу чиқишидан қисқа вақт ўтмай бўй кўрсатмоқда.

Бу каби воқеъликка муносабат билдирган айрим журналистлар эса, балки телевидениени давлат назоратидан озод этиб, уни жамоат тизимига айлантиришнинг вақти етгандир каби фикрларни ҳам изҳор этишган.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Жорий йил январидан бошлаб турли инстанциядаги Ўзбекистон судларининг кейинги 25 йил давомида давлат тасарруфидан чиқарилиб, фуқароларга хусусий мулк сифатида сотилган объектларни қайтадан давлат ихтиёрига қайтариш ҳақида қарор чиқариши кўпайиб бормоқда. “Озодлик” радиосига хусусий тадбиркорлардан келаётган мурожаатларда “президент қарор ва оғзаки топшириқлари” билан оқланаётган бундай суд қарорларининг Ўзбекистон конституцияси ва қатор қонунлар билан кафолатланган хусусий мулк дахлсизлигига зид экани айтилади.

Бундай адолатсизлик устидан Олий судгача шикоят қилиб, натижа топмаган тадбиркорлар конституция ва қонунларни ким – президент Мирзиёев бузаяптими ёки унинг қарор ва топшириқлари баҳонасида ўз ҳудудидаги объектларни бошқа шахсларга пуллашни бошлаган маҳаллий ҳокимлар ва улар буйруғини бажарувчи судьялар бузаяптими, деган савол жавоби очик қолаётганини айтди.

“Озодлик” радиоси Ўзбекистондаги бир қатор йирик мулкдорлар, Адлия тизими ва хусусийлаштириш жараёни мутахассислари билан суҳбатлар асносида бу саволга жавоб топишга уринди.

Ўзбекистонда Каримов даврида амалга оширилган хусусийлаштириш – приватизация жараёнининг ими-жимиди бекор қилинаётгани илҳомини “Озодлик” радиосига тошкентлик йирик тадбиркор билдирди.

“Дода кетса” яхши бўлади, деб ўйлаган тадбиркорнинг “дода тегинмаган” хусусий мулки тортиб олинмоқда

Шахси сир қолишини сўраган бу тадбиркор, хусусийлаштириш жараёнида, ўша пайтдаги тортиб асосида, пойтахтдаги қатор йирик объектларни сотиб олган, бироқ уларга катта сармоя ётқизиб, ишга туширишни, мамлакатдаги бизнес иқлими ўзгарувчан деган хавотир боис, пайсалга солиб келган.

“Тўғри, давлатдан сотиб олган объектларни ишлатиш учун пул сарфламадим. Нимага – чунки инвестициям ҳимояланмаган эди. Бугун уни ишга тушириб, даромад келтирадиган қилишим билан, қароқчилар қора маскачиларини



ТОРТИБ ОЛИНГАН НАРСА ТОРТИБ ОЛИНАДИ

юбориб, тортиб олмаслигига кафолат йўқ эдику! Кредит берадиган банки бўлмаса, бизнесим н а з о р а т ч и - қ а р о қ ч и л а р д а н ҳимояланмаган бўлса, аҳмоқ бўлиб инвестиция ётқизаманми? Дода кетиб, яхши кунлар келса, ишлатарман, деб кўювдим. Ҳокимлик энди бу объектларни “ишлатилмади” деб хатлаб, давлат тасарруфига қайтаришни сўраб, судга аризачи бўлипти”, дейди бу тадбиркор.

Суҳбатдошга кўра, энг қуйи инстанция район суди атиги бир неча соат ичида Ўзбекистон конституцияси, қолаверса, кўплаб қонунлар, жумладан “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2012 йилги қонунга зид қарор чиқарган-қўйган.

“Ҳозир судлар ҳокимликлар томонидан ишлатилмаган объектлар рўйхатига киритилган хусусий мулкни давлатга қайтариш ҳақида пачкалаб қарор чиқараяпти. Бизнесинг ишимизни эргалаб бошлаб, обеддан кейин қарор чиқариб, ёпти-қўйди. Нима эмиш, президентнинг махфий қарори бор эмиш. Ҳоким ва судлар очикланган қарорлар эмас, ана шу махфий буйруққа бўйсунармиш. Одам тушунмай қолди – президент чиндан ҳам шунақа иккиюзлама ўйин қиляптими, ёки ҳоким ва судлар “президент айтди”, деган баҳонада приватизацияни бекор қилиб, одамларнинг хусусий мулкни ўзи ва яқинларига олиб бераяптими”, дейди тошкентлик йирик тадбиркор.

Бу тадбиркор илҳомини, Ўзбекистон судлари, айниқса вилоят судларига, 1 сентябрга қадар ҳокимлик тузган рўйхатга тушган

хусусий мулк объектларини давлат тасарруфига қайтариб, уларни “инвестиция ётқизиб, иш ўринлари яратаман” деганларга имтиёз билан бепулга бериш жараёнини яқунлаш ҳақида топшириқ берилган. (Ҳозирча “Озодлик” радиоси ихтиёрида бундай расмий топшириқ мавжудлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас – “Озодлик” радиоси таҳр.)

“Бу дегани, ҳоким ва улар яқинлари 1- приватизацияни бекор қилиб, Ўзбекистонда ўзлари учун 2- приватизацияни амалга оширишмоқда. Янги ҳукумат келди, янги пулдорлар келди, янги мулкдорлар тепага чикди. Улар эски приватизацияни тан олмоқчи эмас, приватизация нотўғри бўлди, деб собиқ давлат мулкни перерездел қилишга, қайтадан бўлашишга киришишди. Бир қўлдан иккинчи қўлга қақшатиб ўтказиш бошланди”, дейди бу тадбиркор.

Бухорода айна жараён

“Озодлик” радиосига ойлاردан бери турли мактуб ва шикоят билан мурожаат қилаётган ўнлаб тадбиркор Бухоро вилоятида ҳам хусусий мулк дахлсизлиги оёқ ости қилинаётганини айтиб, бу жараён тепасида вилоят ҳокими Ўктам Барноев турганини илҳом қилмоқда.

“Хурматли президентимиз Шавкат Миромонович 2017 йил март ойидаги Бухоро вилоятига ташриф чоғида “Зарафшон” меҳмонхонасини бўш ва таъмирланмасдан ётган қисмини таъмирлаш ва ишлатиш чорасини кўришни топширган бўлса-да, айрим маҳаллий раҳбарлар “Зарафшон” меҳмонхонаси билан қўшиб унинг атрофида жойлашган замонавий таъмирланган ва тўла қувватда ишлаб турган, 80 га яқин ишчи ўрни мавжуд булган хусусий мулкимизни тортиб олишмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича туманларо Бухоро судининг 2017 йил 13 апрель кунги мажлисида судья А. Бобомуродов ҳал қилувчи қарори билан, Ўзбекистон Республикасининг х у с у с и й л а ш т и р и ш , монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан “Зарафшон” меҳмонхонасини хусусийлаштириш билан боғлиқ

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

1995 йил 13 январь кундаги 6-сонли буйруғи, 1995 йил 24 февраль кундаги 33-сонли буйруғи хато чиқарилган, деб мен ва бошқаларнинг кадастр гувоҳномаларини “ҳақиқий эмас” деб топди”, дейилади тадбиркор Рашид Абдуллаевнинг “Озодлик” радиосига юборилган мактубида. (Мактуб президент Шавкат Мирзиёевга ёзилган, нусхаси “Озодлик” радиосига жўнатилган – “Озодлик” радиоси тахр.)

“Зарафшон” меҳмонхонаси мулкдорларидан бири Владимир Чженнинг Facebookдаги “Халқ билан мулоқот” саҳифасида ёзишича, Бухоро туманлараро фуқаролик судининг қарори устидан юқори инстанция суди, Бош прокуратура ва президент порталига қилинган шикоятлар умуман натижа бермаган.

“Зарафшон” меҳмонхонаси ва унинг атрофидаги объектлар мулкдорларидан бирининг айтишича, тадбиркорлар президентнинг 23 февраль ва 18 апрель кунги қарорларидан келиб чиқиб, бу объектни ишга туширишга ҳозирликлари ва шу мақсадда кредит олишда ёрдам беришни сўраб вилоят ҳокимлигига мурожаат қилган.

“Аммо ҳоким бизга ёрдам бериш ўрнига, хусусий мулкчимизни тортиб олиб, уни бошқаларга беришга қарор қилди. Судлар қўғирчоқ. Асл ният, президентни рўқач қилиб, ишламай турган эмас, яхшигина ишлаб турган объектларни ўз одамларига олиб беришдир”, дейди бу тадбиркор.

Адвокат: Хусусий мулкни мусодара қилиш учун тирноқ тагидан кир қидирилмоқда!

Ўзбекистон қонунчилиги, ҳатто Мирзиёев қабул қилган қарор ва қонунчиликка ўзгартишлар хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаб, хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқишни тақиқлаб турган бир пайтда судлар қайси ҳуқуқий асосда бу қонунларга тескари қарорлар чиқармоқда?

“Озодлик” радиоси бу саволни айти кунларда учта мулкдор ҳуқуқини судда ҳимоя қилаётган тошкентлик адвокатлардан бирига берди.

“Булар процедурний хато топапти. Камчилик қидирсангиз, ҳамманин ҳужжатларидан хато топасиз. Ўтган 25 йил давомида

приватизация билан боғлиқ қонунчиликка қанча ўзгартиш киритилди, қонун ости актлар ўзгариб кетди, мулк хусусийлигини, унинг тегишли тарзда расмийлаштирилгани исботловчи ҳужжатлар рўйхати ўзгариб кетди. Бу биринчиси. Иккинчиси, бизнинг мулкдорларимиз, тадбиркорларимиз қонунчиликни билишмайди, бу ўзгартишлардан хабарсиз юраверган. Хуллас, тортиб оламан, деса, топапти процедурний камчилик. Ҳозирча фақат битта ишда, хусусий мулкдор давлатдан сотиб олган объектни фалон муддат ичида ишга тушираман деб, бунга маблағи борлигини исбот қилганидан кейин, суд мулкни эгасида қолдирди. Қолган иккитаси ҳали давом этаяпти. Керак бўлса, Олий судгача борамиз, деб турибмиз”, дейди адвокат.

13 июнь – президент Мирзиёев приватизация натижаларини қайта кўриб чиқишни тақиқловчи қонунни имзолади

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келишидан кўп ўтмай, мамлакатда хусусийлаштирилган давлат объектларининг ишламай ётганига эътибор қарата бошлади. Ўз баёнотларида президент урғуни хусусийлаштирилганидан бери ишламай ётган объектларни тортиб олиш эмас, балки уларни ишлатишга ёрдам кўрсатиш масаласига қўйди.

Бу жараённинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида президент 23 февраль кун «Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2796-сонли қарорга, 18 апрель кун эса, «Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2895-сонли қарорга имзо чекди.

2895-сонли қарор муқаддимасида айтилишича, Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг «мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича тизимли ишлар доирасида 30 мингдан ортиқ давлат объекти, шу жумладан, 6,5 мингта йирик ва ўрта корхона хусусий мулк қилиб сотилган ва натижада бугунга келиб нодавлат секторига ялпи ички маҳсулотнинг 81 фоиздан кўпроғи, саноат ишлаб чиқаришининг 94 фоизи ва барча банд аҳолининг 82

фоиздан зиёди тўғри келмоқда».

2017 йилнинг 13 июнь кун Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

Бу қонуннинг 34-моддаси билан 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–336-сонли Қонуни 24-моддасининг учинчи қисми қуйидаги шаклда таҳрир қилинди:

«Хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш тақиқланади».

Давлат тизимларининг хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиши тақиқланади, деган янги қонун бандига, шахсан Шавкат Мирзиёев имзо чекди ва бу ўзгартиш 14 июндан кучга кирди.

11 август – Мирзиёев “приватизация натижаларига тегиб бўлмайди” деганларни «ахмоқ»қа чиқарди

Айни пайтда, президентнинг ёпик эшиқлар ортида ўтказётган йиғилишларда, ҳокимлик ва назорат органлари, хусусан прокуратурага хусусийлаштирилганидан бери ишга туширилмаган объектларни хусусий эгаларидан тортиб олиб, уларни янги мулкдорга бериш вазифасини топшираётгани ва бу топшириғи ижросини шахсан ўзи кузатиб бораётгани айтилади.

Шавкат Мирзиёевнинг 11 август кунги йиғилишида айтган мана бу гаплари, президентнинг нафақат хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқишни бошлагани, балки давлатга қайта тортиб олинган бу объектлар асосида янги бизнес-режалар туза бошлаганини кўрсатади:

– Тошкент вилоятида ишламаган 570 та корхонадан 50-60 фоизи Тошкентда ўтирган гўдайганларники! Тошкентда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўтирган катта-катта ташкилотларда ё олдин раҳбар бўлган, прокурор бўлган, ҳоким бўлган ё вазир бўлган, зампремьер бўлган, премьер бўлган, бало бўлган, багтар бўлган. Бекорчи, оддий одам йўқ. Агар оддий одам бўлганида у ёки ташлаб кетарди кўрқанидан, ёки бир нарса қиларди адолатли бўлиб. Нима учун ташламаяпти? Орқасида одами бор. Тўхтаб тур ҳали сотамиз буни, деяпти. Тўхтаб тур, ҳали вақт келади, давлатга шундай сотамизки, халқни жувонмарг қиламиз, дейди. Ўтирипти. Энди шуни ман билиб туриб бир нарса қилмасам.. Шунинг учун Бош прокурорнинг 1-ўринбосарини комиссия раиси қилдим приватизация деган комитетнинг. У айбдор эмас, ундан олдинги ноинсофлар қўл қўйган, керак одамни олади. Абдулла Нигматович қарор чиқаради, умуман Абдулла Нигматович бош бўлиб, Бош вазиримиз, шу ташкилотларни бир оининг ичида суягини суякка, лаҳмини лаҳмга, окини оқка, қорасини қорага ажратсак, биласизларми нима бўлади?

Олдингилар нима деган – это приватизированный (кучли истехзо оҳангида – таҳр) ... Хусусийлаштирилган, тегиниб бўлмайди. Ким айтган тегиниш мумкин эмас деб? Қарорда ёзиб қўйилган – хусусийлаштиришни қайтариш мумкин эмас, деб. Ким ёзган уни? Кечирасизлару, уни ўша пайтлардаги аҳмоқ одамлар ёзган!(Бу қарорлар президент Ислоҳ Каримов 2012 йил имзолаган қонунга асосланган – таҳр.)

Адолат нуқтаи-назаридан биз приватизация қилишдан олдин мулкдорлар синфини, бойларни пайдо қилдиришимиз керак эди. Улар йўқ эдику! Кечирасизларку, Тошкент вилоятидаги 500 танинг (хусусийлаштирилган давлат объеклари назарда тутилмоқда – таҳр.) орқасида 20 та одам турибди. Бошқа одам йўқ. Оддий одам йўқ. 20 та одам турипти, ёки 50 одам турипти. Оддий одам сотиб ололмаган уни. Нимага уни хўп, бир йил индамадик, икки йил индамадик, уч йил индамадик, тўрт йил индамадик, ҳей мусурмон, сал олувдинг шуни, мани маҳалламда одамлар беиш юрипти, шу ерда ишлатгин, деган одам йўқ бизда!

Ман бугун жуда катта ваколат билан айтаман – кеча қарор чиқти ва айтаман ўша қарор

бўйича фойдаланилмаётган йирик объеклар негизида 18 та кичик саноат зонаси ташкил этишни режалаштириш топшириқ бердим бугун” (Президентнинг 11 август кунги баёнотидан иқтибос тугади – таҳр.)

Мутахассислар: Жаноб президент, приватизация натижаларига тегиниш яхшиликка олиб бормайди!

Остонадаги Евроосиё иқтисодий университети доценти Сапарбой Жубаев, приватизация натижаларини ёпиқ суд залларида қайта кўриб чиқиб, уларни бекор қилиш оқибатлари “вой” эканини айтади:

– Саводли инвестор давлат эмас, хусусий мулкдор билан ишлайди.

Хусусийлаштириш мамлакат инвестицион иқлимни белгиловчи асосий омиллардан бири. Шунинг учун Ўзбекистон приватизацияни бекор қилиш эмас, уни охирига етказиш керак. Бугун давлат хусусий мулкни ҳар хил баҳона топиб тортиб олиш эмас, аксинча, легализация қилиши керак. Кимдир қайсидир мулкка, ҳужжатлари жойида бўлмаган ҳолда эгалик қилиб келган бўлса, давлат шу одамнинг ҳужжатларини тўғирлашга ёрдам бериб, бу жараёни тугатиш керак, аксинча эмас.

Постсовет ҳудудидаги приватизация, албатта, жиддий камчиликлар билан бўлди. Лекин унга қайтиш ва бекор қилишнинг оқибати вой. Бу ишни Беларусда Лукашенко қилди – Шушкевич қилган приватизацияни биратўла бекор қилди. Натижани кўриб турибмиз, Беларусда давлат бошқарувидаги социалистик иқтисод. Қирғизистон, Украинада ҳар революциядан кейин келган ҳокимият олдинги приватизацияни қайта кўриб чиқишни бошлайди. Натижа – бардак, дейди бу иқтисодий таҳлилчи.

“Озодлик” радиоси Ўзбекистон конституцияси ва қонунчилигида белгиланган хусусий мулк дахлсизлигига оид қафолатлар бекор қилинмай туриб, янги президентнинг оғзаки топшириғи ва қарорлари асосида Каримов даври приватизациясининг амалда бекор этила бошлагани оқибатларини изоҳлашни сўраб ўзбекистонлик иқтисодчилардан бирига мурожаат қилди.

Исми сир қолишини сўраган иқтисодий таҳлилчи,

Мирзиёевнинг 11 август кунги гапларида жон борлиги, кейинги 25 йил давомида давлат мулкни сувтекинга хусусийлаштирганларнинг Каримов даври элитаси ва уларга алоқадорлар эканини эътироф этмаслик мумкин эмаслигини айтди.

Шунга қарамай, бу мутахассис, приватизация натижаларини бекор қилиш оқибатлари мамлакат ва Мирзиёевнинг узоқ муддатлик режалари учун уларни тан олишдан кўра кимматроққа тушишини таъкидлади.

“Ҳар келган президент ўзидан олдингиси даврида ўтказилган хусусийлаштириш жараёнини бекор қилаверса, мамлакат иқтисодининг муҳим объеклари тинимсиз қўл алмашаверса, пул ва сармоя яхши кўрадиган барқарорлик ва узвийлик тамойили йўққа чиқади. Битта шахснинг қош-қовоғига қараб ўзгарадиган муҳитни сармоя ёқтирмайди, на ички, на ташқи сармоядор бунақа жойга риск қилиб пул ташламайди, аксинча, борини, олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилади. Шунинг учун Мирзиёев, хусусий мулк дахлсизлигига шахсан ўзи (алмашиб турадиган президентлар эмас – таҳр.) эмас, ким келишидан қатъий назар, давлат ва унинг қонунлари кафил эканини амалда кўрсатиши лозим”, дейди мутахассис.

“Озодлик” радиоси билан ёзишмага бу суҳбатдош, иқтисодий тармоқдан олинган мана бу фикрларни илова қилди.

“Мулк хусусий. Давлатдан сотиб олинган. Эгаси ундан самарали фойдаланмаса, фойдалана оладиган бошқа қайсидир тадбиркорга сотади, бу...

– Оддий арифметика. Эркин бозор.

Мулкдан фойдаланмаса, давлат текинга қайтариб олса ва фойдалана оладиган бошқа қайсидир тадбиркорга (қайта) сотса, бу...

– Оддий афермитика. Эркин мазор”.

“Ўзбекистонда, 25 йиллик кутишдан сўнг, эркин бозор иқтисодига ўтамизми, ёки мамлакат эркин мазорга қараб кетади, бу Мирзиёевнинг хусусийлаштириш натижаларига муносабатига боғлиқдир”, дейди иқтисодий таҳлилчи.

ЎХХ хабарлар бўлими



Бош вазирга уч кунлик ҳуррият оғир келди...

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон МТРК Медиа марказида 21 август куни МТРК журналистлари билан ўтказилган йиғилишда Бош вазир Абдулла Арипов Халқаро пресс клуб маркази раҳбари, журналист Шерзод Қудратхўжаев олиб бораётган жонли кўрсатувларини танқид остига олиб, уни “ҳаддидан ошиб кетганликда” айблаган.

Бош вазирнинг сенсираб гапиришига Шерзод Қудратхўжаев, “менга бақришга ва сенлашга ҳаққингиз йўқ”, деб жавоб қайтарди.

Онлайн кўрсатувларнинг таққиланганини, журналистлар, 25 йиллик уйқудан кейин энди уйғонаётган ўзбек журналистикасини яна бўғишга ҳаракат сифатида баҳолашмоқда.

“Сен, бола, ҳаддингдан ошдинг!”

МТРК Медиа марказида 21 август куни соат 10 дан 16 гача давом этган йиғилишни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов, президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов олиб борган. Бу йиғилишда иштирок этган, исми сир қолишини сўраган журналистлардан бирининг айтишича, Бош вазир ва Халқаро пресс клуб раҳбари ўртасида “даҳанаки жанг” бўлиб ўтган:

“Бош вазир Абдулла Арипов ХПК (Халқаро пресс клуб) раҳбари Шерзод Қудратхўжаевга “Сен, бола ҳаддингдан ошиб кетдинг, сен ўзингни ким деб ўйлавоссан”, деб қаттиқ гапирди. Бундан жазли чиққан Шерзодхон “Бош вазир бўлсангиз ўзингизга, менга бақришга ва сенлашга ҳаққингиз йўқ”, деди. Кейин даҳанаки жанг бошланди. Бош вазир Шерзодни қаттиқ ҳақорат қилди, “кўтингга бир тепсам икковин кеган жойинга

қайтиб кетасан, домлачилигингни қилиб деди”, деди суҳбатдош.

Журналистнинг айтишича, Шерзод Қудратхўжаев раҳбарлигидаги Халқаро пресс клубнинг онлайн кўрсатувлари, жамиятдаги муаммоларни очик гапираётгани, вилоят ҳокимлари иштирокидаги эркин суҳбатлар Бош вазир ва матбуотни назорат қилувчи президент маслаҳатчиси Хайриддин Султоновга ёқмаган:

“Халқаро пресс клубда кўтарилган масалалар, муаммолар сўнгги 25 йилда гапирилмаган эди. Шерзод Қудратхўжаев, президентнинг гапидан руҳланиб, бу муаммоларни очик кўтара бошлади ва саволларга жавоб бериш учун депутатлар, сенаторларни таклиф қилди. Вилоят ҳокимлари билан учрашувлар ўтказиб, ўқитувчи ва шифокорларни дала ишларига жалб қилмаслик ваъдасини олди. Албатта, бу 25 йиллик цензурага раҳбарлик қилган Хайриддин Султоновга ва Бош вазирга ёқмаган”, дейди журналист.

“Онлайн кўрсатувлар бундан кейин бўлмайди”

Ушбу йиғилишда иштирок этган, бошқа журналист ҳақиқатан ҳам Бош вазир ва Шерзод Қудратхўжаев ўртасида даҳанаки жанг бўлиб ўтганини тасдиқлар экан, бундан ғазабланган Абдулла Арипов жонли кўрсатувларни йўқ қилишни буюрганини айтди:

“Бош вазир “бундан кейин ҳеч қандай онлайн-понлайннинг бўлмайди, қисиб ишлайсан ҳамманг. Онлайнни эфирга яқинлаштирмайсан, ҳар бир кўрсатувни эфирга беришдан олдин Хайриддин Султонов билан маслаҳатлашасан”, деди. Эрталаб соат 10 да бошланган мажлис соат 16 да тугади”, деди журналист.

“Бош вазир ва Хайриддин Султонов телевидениени аввалги ҳолига қайтаришмоқчи”

“Озодлик” радиоси суҳбатлашган журналистларнинг айтишларича, Бош вазир МТРК раиси Бобир Алихоновга хайфсан берган.

Уч кун олдин МТРК раисининг биринчи ўринбосарлигидан бўшатилиб, “Ўзбекистон” телеканалига директор этиб қўйилган Хайрулла Нуриддинов яна ўз жойига қайтарилган.

Мажлисда қатнашган журналистларнинг сўзларига кўра, аҳолининг ижтимоий муаммолари ҳақида жиддий кўрсатувлар тайёрлаган “Ўзбекистон 24” телеканали директори Озод Ҳамидхўжаев ҳам ишдан олинган ва унинг ўрнига илгари ишдан ҳайдалган Нодир Тўлаганов тайинланган.

Уч ой бурун МТРКнинг техника масалалари бўйича биринчи ўринбосарлиги вазифасидан бўшатирилган, Бош вазирнинг холаваччаси деб айтилаётган Нусрат Ҳакимов яна ўз жойига қайтариб қўйилган.

“Бахшининг қўшиғи Хайриддин Султоновга дастак бўлди”

Ўзбекистон МТРКнинг исми сир қолишини сўраган журналистларидан бирининг айтишича, ХПКнинг Қашқадарё вилоятида ўтказган сайёр йиғилишида бахшининг айтганларини Хайриддин Султонов Шерзод Қудратхўжаевга қарши дастак қилиб олган:

“Агар кўрган бўлсангиз, Қаршидаги ХПК йиғилиши охирида бир бахши чиқиб, ўзидан тўқиб қўшиқ айтади. Бахши ўшанда, юртни улуғлаб, президентдан олдин “пресс клубни ташкил қилган Шерзодхонга ҳам минг раҳматей” дейди. Ана шунга Хайриддин Султонов ёпишиб олиб, “нега бахши сенга бағишлаб қўшиқ айтади, бизда раҳбар битта”, деди.

Бунга жавобан Шерзод Қудратхўжаев “Ахир, бахшилар минг йиллардан буён ўйлаганини айтади”, деди журналист.

“Мажлисдан бир кун олдин катта “разбор” бўлган!”

Бош вазир иштирокида ўтказилган мажлисда қатнашган журналистнинг айтишича, мажлис арафасида у ва ҳамкасблари уйига кетолмаган, телевидение хавфсизлик хизмати ходимларнинг уйига кетишига руҳсат бермаган.

“МТРК режими ўтган куни эфирда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

бўлган журналистларни тонггача ушлаб қолди. Тонгги соат олтида уйига кетган журналистларни яна ишга чақириб, соат 10 да мажлис бошлашди. Тўрт-беш соат давомида журналистларни бир Бош вазир, бир Хайридин Султонов роса сўқди. Бобир Алихоновни уч соат оёққа қўйиб, тергашди. Бош вазир Алихоновга “бўлди, энди к... қисиб ишлайсан, бўлмаса келган жойингга йўқотаман. Шерзод, сенга ҳам шу гап, бўлмаса, ўқитувчилингни қилиб юроврасан”, деди”, дейди журналист.

Ўзбекистон МТРКнинг ўзини таништирмаган мулозими, Медиа марказда мажлис бўлганини, раис ўринбосарлигига Хайрулла Нуриддинов ва Нусрат Ҳакимовлар қайта қўйилганини тасдиқлади.

Бироқ, мулозим онлайн кўрсатувлар бундан сўнг бўлиш-бўлмастидан хабари йўқлигини айтди.

Энди очилаётган ТВни бўғишдан мақсад нима?

Исми сир қолишини сўраган пойтахт газеталаридан бири муҳаррирининг фикрича, Ўзбекистонда учқунлай бошлаган сўз эркинлиги, ҳокимларнинг танқид қилиниши каби ҳолатлар тез орада катта раҳбарларга ҳам етиб боришини англаган Бош вазир ва президент маслаҳатчиси тезкор зарурий чораларни кўришга киришган:

“Кадрларнинг тинимсиз ва

таъбир жоиз бўлса, мантиққа зид алмаштирилавериши давлат олий раҳбариятининг кадр танлаш ва жойига қўйиш борасида аниқ стратегияси йўқлигини кўрсатади. Вазият шу алфозда давом этадиган бўлса жуда тез фурсатда ишлайдиган одамнинг ўзи қолмайди ва президентнинг мазкур кадрлар сиёсати ҳамма ишнинг пачавасини чиқаради. Президентнинг нега танқид қилмайсизлар деган гапидан руҳланган журналистлар бевосита ҳокимият айбдор бўлган муаммоларни кўтара бошладилар. Тизгинни озгина бўш қўйган ҳокимият бундан жуда қўрқиб кетди ва жиловни тортиб қўйишга қарор қилди. Ислоҳ Каримов даврида ҳам бошида шундай бўлганди. Ва уни ҳам охир-оқибат ишончли одамларсиз қолдиришди. Ҳозир ҳам ўша эски усулни қўллаб кўришмоқчи”, дейди муҳаррир.

Кадрлар алмашинуви ОАВнинг эркинлашишига ёрдам беряптими?

Ўзбекистон президентининг матбуот бўйича давлат маслаҳатчиси Хайридин Султонов Ислоҳ Каримов ҳокимиятга келгандан буён оммавий ахборот воситаларини назорат қилиб келади.

У 1993 йилда президент девони ахборот таҳлил маркази раҳбари, 2000 йилдан бошлаб эса маданият, матбуот ва ижодий ташкилотлар бўйича давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келади.

Мирзиёев ҳокимиятга келгандан

сўнг ҳам Ўзбекистон ОАВнинг энг катта назоратчиси ўз вазифасида қолмоқда.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан сўнг телевидениедаги бир қанча раҳбарларни алмаштирди.

Мирзиёев Ўзбекистон Халқ артисти, хонанда Озодбек Назарбековни “Ёшлар” телерадиоканали Бош директори қилиб тайинлади. Аммо орадан узоқ вақт ўтмай, Назарбеков Ўзбекистон Маданият вазири ўринбосари этиб тайинланди.

Жорий йилнинг февраль ойида Хуршид Мирзоҳидовни МТРК раиси қилиб қўйган президентнинг ўзи август ойи бошида уни ишдан бўшатди ва Бобур Алихоновни директор қилиб қўйди. Ўзбекистон Миллий телерадиоканали раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан 17 август куни бўшатилиб, “Ўзбекистон” каналига директор этиб тайинланган Хайрулла Нуриддинов 21 август куни яна эски лавозимига қайта тикланди. Уч кун Миллий телерадиоканали раисининг биринчи ўринбосари бўлган Баҳодир Юнусов эса “Ўзбекистон” телеканалига директор бўлди.

“Ўзбекистон 24” телеканалининг маълум қилишича, “Ўзбекистон” телеканалига Хайрулла Нуриддиновга директорлик қилган Нодир Тўлағанов Озод Ҳамидхўжаев ўрнига “Ўзбекистон 24” телеканали директори этиб тайинланди.

УХХ хабарлар бўлими

У “ҳақиқий дохий” эди. У салтанатни бошқарган вақтда, унга атаб ашборлар тўқилган. “Миллат отаси”, дейилган. Мамлакат унинг шиорлари билан тўлган. Унинг раъйига қараб минглаб инсонлар ҳаётига нукта қўйилган. Унинг номини тилга олгани одамлар кўркар, миллионлаб халқлар ичидаги ягона авторитет эди.

У – ўлди. Ўлганида бутун мамлакат кўз ёш тўқди. Оҳ-фарёд чекди. Баъзилар ўлганига ишонмади. Одамлар кўчаларга чиқиб нола қилди. Ўлими телевизорда эълон қилинганда ҳамма шокка тушиб қолди. У мана шундай дохий эди. У мана шу мафкурага одамларни ишонтирган эди. “Зулмни адолат, ёлғонни ҳақиқат”, дер эди. Унга атаб хайкаллар ўрнатишди. Унинг ҳаёт-йўли сабоқ ўлароқ ёшларга ўргатилди. Юқоридаги гаплар Иосиф Вессареонивич Сталин ҳақида. Вақт шуни кўрсатдики, у ҳақиқий золим бўлган экан. Ва

Дохий ва ватангадолар

унга атаб ўрнатилган хайкаллар йиқитилди. Уни мадҳ этганлар, унинг диктаторлиги ҳақида куйиб гапира бошлади. Унинг кирдикорлари йиллар давомида очилиб борди. “Миллат отаси” деган ном, “миллат хоини” номига ўзгарди. Қилган хунрезликларини одамлар кўп ўтмай билди. Кеча мадҳ айтган тиллар, кўп ўтмай лаънат айтди. Ўтган тарих шуни кўрсатдики: хайкаллар абадий эмас, одамлар фикри мутлоқликдан йироқ экан. Қалблар баргга ўхшайди. Шамол қайси тарафдан эсса, ўша тарафга йўналади. Ўтмишдан маълумки, тузумлар абадий эмас. Дохийлар замонаси учунгина дохийдирлар. Тарих қаршида юзлаб, минглаб “дохийлар” йўқлик қарига ва лаънатга дучор бўлганлар. Хайкаллари ҳам, шиорлари ҳам ўзларига ўхшаб йўқ бўлиб кетди.

Бир таниш инсоним айтган эди: “Қамалмасимдан аввал Ленин – бобом эди. Қамалиб чиқсам, Амир Темур – бобом бўлиб қолибди”

Кеча “Ленин совхозини”, “Сталинобод”, бугун “Ислоҳ Каримов”, эртага “Эшмат Тошматов”.

Кеча “Ҳамза”, “Собир Раҳимов”, бугун “Абдулла Орипов”, “Муқимий”, эртага “Қузивой Кетмонов”.

Арабларда бир гап бор экан: “оммани эътиқоди, эшакни бемаза жойи”, деган. Ҳар даврни дохийлари бўлгани каби, “ватангадо”, “хоин” лари ҳам бўлган. Вақтлар ўтиб “ватангадо”, “хоин”лар миллат қаҳрамонига айланган. Абдулла Қодирий ва жадидлар каби.

Подшоҳлар ва хайкаллар келиб кетаверади. Ҳақ ва ҳаққа эргашганлар унутилмайди.

Бугун хайкалга сажда қилганлар, эртага шу хайкалга тупурадилар.

Сайид Ислоҳ
facebook.com

Ўзбекистонлик фаол Вазирлар Маҳкамасининг вояга етмаган болалар, таълим ва тиббиёт соҳаси ходимларини бу йил пахта йиғим-теримига жалб этмаслик тўғрисидаги қарорига худди ана шундай муносабат билдирди.

“Масалан, шахсан мен шундай воқеълик содир бўлганига ниҳоятда хурсандман. Лекин “ҳар яхшининг аммоси, ҳар ёмоннинг лекини бор”, деганларидек, Ўзбекистонда ҳамма қонунларимиз яхши. Ҳамма фармонлар аъло даражада. Ҳаммаси инсонларнинг манфаатларини кўзловчи қонун ва қарорлар... Гап уларнинг қабул қилинишида эмас, масала, Бош масала унинг амалга қай даражада тадбиқ этилишида...”, – дейди Тошкентдан фаол Малоҳат Эшонқулова Би-би-си Ўзбек Хизмати билан суҳбатида.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига таянилган расмий хабарларда айтилишича эса, жорий йилда бу иш қатъиян маън этилади.

“2017 йилги пахта йиғим-теримига вояга етмаган ёшлар, шу жумладан, ташкилотлар, соғлиқни сақлаш ва маориф тизими ходимларини жалб қилиш мутлақ тақиқланади”, – дейилади Ўзбекистонда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг билдиришномасида. Маълум бўлишича, бу хусусдаги протокол 8 август куни имзоланган.

Пахта йиғим-терими Ўзбекистонда, одатда, сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади.

Ўзбекистонда пахта терими дохил қишлоқ хўжалик юмушларида мажбурий меҳнатнинг доимий тарзда давом этиб келаётгани эса, йилларки, ҳам маҳаллий ва ҳам халқаро миқёсда танқидлар, махсус норозилик кампанияларига ҳам сабаб бўлиб келади.

Аммо Ўзбекистоннинг янги Президенти Шавкат Мирзиёев ислохотларни ваъда қилди ва вилоятларга ташрифлари пайти пахтадан воз кечилиши ҳақида айтмоқда.

Аммо лекин...

Бироқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбек-Герман форуми 2017 йилнинг апрель ва май ойларида янги мажбурий меҳнат ҳолатларини қайд этган.

Хусусан, Жиззах, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўқитувчилар, тиббиёт муассасалари ходимларининг гўза яганаси, қовоқ ва помидор кўчатларини экиш, пилла териш, кўча ва бошқа жойларни тозалашга,



Малоҳат Эшонқулова: Албатта, бу – кутилмаган ҳолат бўлди бизга, аммо...

шанбаликларга мажбурланганлари хабар қилинган.

Anti-Slavery International, Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари ассоциацияси, Cotton Campaign, Human Rights Watch, Инсон ҳуқуқларига доир Ўзбек-Олмон форуми тўплаган маълумотларга кўра, 2016 йилда Ўзбекистон юз минглаб аҳолини пахта теримига мажбуран сафарбар қилган.

Мажбурий болалар меҳнати сабаб, сўнгги йилларда қатор йирик хорижий ширкатлар Ўзбекистон пахтасини бойкот қилишган.

Бир неча йиллардан бери халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон ҳукуматига болалар меҳнатидан фойдаланмаслик талаблари ва дунёда Ўзбек пахтасини бойкот қилиш чақириқлари орқасидан мамлакатда болалар меҳнатидан фойдаланиш расман тўхтатилишига эришилган.

Шу йил июнь ойида Европа парламенти депутатлари Ўзбекистон ҳукумати охири уч йилда Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан биргаликда болалар меҳнатига “деярли тўла барҳам берганлиги”ни олқишловчи қонун кучига эга бўлмаган алоҳида резолюцияни ҳам қабул қилган.

Шу йил бошида эса, икки нуфузли халқаро ташкилот Ўзбекистонда болалар мажбурий меҳнати аста-секин тугатилгани ва бу амал эндиликда жамият томонидан қабул қилинмас ҳолатга айлангани ҳақида баёнот чиқаришган.

Жаҳон Банки ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг деярли бир маънодаги баёнотларида Ўзбекистон ҳукумати пахта йиғим-терими соҳасини ислоҳ қилиш йўлида илгари силжишга муваффақ бўлган.

Фаоллар хавотири

Фаоллар эса, охириги йилларда болалар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйила бошлаганидан бери давлат хизматчилари, ўқитувчи ва шифокорларнинг теримга олиб чиқилиши миқёслари кенгайганидан хавотир билдиришган.

Шунингдек, пахта териш асосий касби бўлмаганлар учун бу каби меҳнат анчайин оғир эканлиги, айниқса, уларга қўйилган кундалик “норма”ни бажариш мушкул вазифа эканлиги билан ҳам огоҳлантиришганди.

Ўзбекистондан фаол Малоҳат Эшонқулова эса: “Биласизми, ҳар қандай қабул қилинган фармон ёки қонун нимаси билан кадрли? – ҳаётга тадбиқ этилиши билан, ижроси билан кадрли-да... мен умид қиламан...” – дейди суҳбатимиз сўнггида.

Фаолга кўра, бу йил ҳам “имкон қадар, имкониятдан келиб чиқиб, пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнат борасидаги мониторинг-кузатувларини олиб боришади”.

“Умид қиламан, шу чиқарилган қарор ўз ижросини топади ва биз мажбурий меҳнатга дуч келмаймиз пахта далаларида... шуни умид қилиб қоламан...”.

Агар, <http://www.worldstop-exports.com/> нинг ўтган йилги маълумотларига таянганда, Ўзбекистон ҳозир четга пахта сотиш бўйича дунё давлатлари орасидан 14-ўринни эгаллаб турибди.

Пахта ишлаб чиқариш бўйича эса, жаҳоннинг энг йирик олти давлатидан биттаси экани айтилади.

Манба: Би-Би-Си Ўзбек

Россиядан қайтган 50 ка яқин киши ИШИДга алоқадорликда гумон қилиниб қўлга олинди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, **Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоят, Ургут туманида Россиядан қайтган ўнлаб меҳнат муҳожири тақиқланган ИШИД ёки “Ислом давлати” диний экстремистик гуруҳига алоқадорликда гумонланиб ҳибсга олинган.** Самарқанд куч ишлатар тузилмаларида ишловчи мулозим “Озодлик” радиосига Россиянинг Белгород шаҳрида ишлаб қайтган 50 ка яқин диндор уларнинг шериклари берган кўрсатмалар асосида ИШИДга алоқадор деб кўрилиб, 14 август куни қўлга олинганини айтди. Мулозимга кўра, қўлга олинганлар Россияда ишлаб, “ИШИДга моддий ёрдам беришга тил бириктириш” да гумонланмоқда.

– Бу бўйича иш очилган ва тергов давом этмоқда, – деди мулозим.

Лекин, қўлга олинганларнинг яқинлари уларнинг ИШИДга ҳам, бошқа диний экстремистик гуруҳларга ҳам алоқаси бўлмаганини айтишди.

– Ушлаб кетилганлар орасида менинг қариндошим ҳам бор. Уларни диний эътиқоди учун ушлашган, ИШИДга аъзо, деб. Лекин, улар диндор эмас. Белгородда оддий уста бўлиб ишлашган холос, –

деди исми сир қолишини истаган ургутлик аёл.

ИШИДга алоқадорликда гумонланиб қўлга олинганларнинг ҳозирда Белгород шаҳрида қолган шерикларидан бири Сирожиддин Маматқулов ҳам “Озодлик” радиоси билан суҳбатда ўзи ва у билан ишлаган ургутлик меҳнат муҳожирлар диний ғоялардан узоқ одамлар бўлганини айтди.

– Мени СНБдагилар “Мулло Сирож” деб, диний тўданинг бошлиғига чиқариб қўйишибди. Опам хавфсизлик идорасига бориб, “булар нима учун ушланган, сабабини айтинг”, деса, “сабаби Мулло Сирож, у Россияда одамларни тайёрлар экан”, дебди. “Бу ерда гувоҳимиз бор, уриб-уриб намоз ўқитган”, дебди. Мен уларни чеченларга урдириб, намоз ўқитган эканман. Бу бўлмаган гап. Буларни ҳеч қайсиси намоз ўқишни ҳам, “Алҳамди”ни ҳам “Бисмиллоҳ”ни ҳам билмайди асли. Мана, шу ерга қишлоғимиздан беш юзта йигит келган бўлса, мендан бошқа ҳеч ким намоз ўқишни билмайди, мен уларга намоз ўқи деганим ҳам йўқ. Нимага бу тўхмат, ҳайронман, – деди Сирожиддин Маматқулов.

Ҳуқуқ фаолларига кўра,

Россиядан қайтган меҳнат муҳожирилари диний экстремизм айблари билан қамаш ҳоллари сўнгги йилларда кўпайган.

Тошкентлик ҳуқуқ фаоли, Инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромовнинг сўзларига кўра, Россиядаги меҳнат муҳожирилари орасида радикаллашиш ҳоллари ҳам бор гап.

– Бу Самарқандда қўлга олинганларнинг ИШИДга алоқаси бўлган ё бўлмаганини билмайману, лекин Россия ёки Туркияга кетган ўзбек муҳожирилари орасида радикал Исломга мойиллик кучли экани маълум. Аммо ҳуқуқ-тартибот идоралари қидирувга бераётганлар рўйхатига оддий намозхонлар ёки рузғор тебратиш учун Россияга ишлагани кетган ўзбеклар ҳам тушиб қоляпти. Уларни терроризм ёки ИШИДга алоқадорликда айблашяпти, лекин кўп холларда исботи йўқ бўлиб чиқади, – дейди Суръат Икромов

ИШИД экстремистик гуруҳи жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари Ўзбекистонда ҳам “террорчи ташкилот” деб эълон қилинган.

Утган йилнинг октябрь-ноябрь ойлари ва жорий йилнинг январь ойларида Тошкент шаҳри ва вилояти, Фарғона вилоятида хориждан қайтган юзлаб муҳожири ҳибсга олингани ҳақида Инсон ҳуқуқлари ташаббус гуруҳи хабар берган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Анвар Олтойли ҳибсга олинди

Туркия Миллий истихборот ташкилотининг собиқ ходими Анвар Олтойли ФЕТО (Фатхуллоҳ Гулан террор ташкилоти) иши юзасидан олиб борилаётган тергов жараёни доирасида Туркиянинг Анталя шаҳрида ҳибсга олинди, пойтахт Анкарага олиб келинди.

1968 йилда Миллий истихборот ташкилотидеда ишлашни бошлаган Анвар Олтойли ФЕТО раҳбари Фатхуллоҳ Гуланга яқин бўлган баъзи кишилар билан алоқадорликда айбланмоқда.

73 ёшли Олтойли асли ўзбек бўлиб, унинг оталари 30-йилларда Афғонистонга ва кейинчалик Туркияга кўчиб ўтишган.

ЎХХ хабарлар бўлими

Яна устимиздан заҳар сочилмоқчимиз?

Би-Би-Си радиосининг хабар беришича, Шавкат Мирзиёевнинг охири қарорида ғўзани сифатли дефолиация қилиш бўйича турли муассасаларга кўрсатма ва буйруқлар берилди.

Дефолиация самолёт ва тракторлар ёрдамида махсус кимёвий моддалар билан ўсимлик баргини тўқишни англатади.

Қарорда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси “**Ў з а г р о к и м ё ҳ и м о я**” буюртманомалари бўйича ғўза дефолиациясини ўтказиш учун самолётлар ажратсин ва уларнинг 2-иловага мувофиқ 2017 йил 31 августгача минтақаларга етиб боришини таъминласин”, дейилади.

Самолётлар ёрдамида далалар узра кимёвий моддани сочиш Совет Иттифоқи даврида қўлланган ва кўп баҳсу-мунозараларга сабаб бўлган.

Унинг нафақат ер ва сув заҳираларига, балки инсон ҳаётига ўта салбий таъсири бир неча бор ёритилган.

Президент ўз қарорида “дефолиантларни ишлатиш нормалари ва тавсияларига қатъий риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик”ни турли муассасаю ҳокимликларга бўлиб берган.

Аммо, Би-би-си билан суҳбатда бўлган тошкентлик журналистнинг айтишича, бу муассаса ва ҳокимлар шахсий масъулиятни қанчалар сезишлари катта савол остида.

У, ўтган йилдан бошлаб далаларда, хусусан Тошкент вилоятининг Паркент туманида дефолиация мақсадида қўлланилган самолётларга гувоҳ бўлганини айтади.

ЎХХ хабарлар бўлими



УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: МИРЗИЁЕВ БОШ ВАЗИРНИНГ ЖУРНАЛИСТГА ҚИЛГАН АҲЛОҚСИЗ МУНОСАБАТИДАН ҒАЗАБЛАНДИ

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев бош вазир Абдулла Ориповнинг Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзод Қудратхўжаевга нисбатан қилган ахлоқсиз муносабатидан ғазабланди. 22 август куни, яъни ўзбек телевидениясининг медиа-марказида бўлиб ўтган ҳодисанинг эртаси кунлик, давлат раҳбари, барчанинг кўз ўнгида журналистни ҳақоратлагани учун Ориповга танбех берди. Шундай қилиб...

Орипов ва Қудратхўжаев президент гиламида

“Шу йилнинг охирида мен ўзим ҳам ушбу пресс-конференцияларда қатнашиб, журналистларнинг саволларига жавоб бермоқчиман. Бу пресс-конференцияларни бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз жонли эфирда узатилишини мен ҳам хоҳлайман. Ва сиз нима қилдингиз? Ўзбошимчалик билан барча жонли эфирларни таъқиқладингиз. Энди бутун Ўзбекистон сизнинг бу безорилик ҳатти-ҳаракатингизга бўлган муносабатимни кутаяпти. Мени оғир вазиятга тушириб қўйганингизни тушунаёпсизми?!”, – деган жаҳл билан Абдулла Ориповга президент.

Ўша куннинг ўзида президент Шерзод Қудратхўжаев билан ҳам суҳбатлашган. Мирзиёев, журналистнинг бир неча сайёр пресс-конференциялар давомида ушбу тадбирлар қатнашчилари

ва ҳокимларга нисбатан ўзини прокурор каби тутганидан норозилигини билдирган.

“Сен модератормисан ёки прокурорми? Ахир, сенинг вазифанг саволлар бериш ва фактлар ёки фикрларни аниқлаш. Сен эса нима қилдинг? Сен ўзингни димоғдор прокурордек тутгинг, қатнашчиларга маслаҳатлар, тавсиялар бердинг, ҳаттоки айбловлар эълон қилдинг”, – деган Мирзиёев Халқаро пресс-клуб раҳбарига.

Ҳақиқатдан ҳам, Шерзод Қудратхўжаев Андижон, Фарғона, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларига қилган ташрифи вақтида ҳаттоки амалдорларнинг кийимларига нисбатан талаб қўйган. Бир қарасанг пайпоқлардан коникмади, бир галстуклардан, гоҳида умуман пресс-конференция иштирокчиларининг костюмидан кўнгли тўлмади.

Масалан, журналист Фарғонага ташрифи чоғида туман ҳокимларидан бирини қобиятсизликда айблади. Қашқадарё вилоятига борганда эса Қудратхўжаев маҳаллий маъмуриятдан Халқаро пресс-клуб автобусини кузатиб бориш учун махсус автомобиллар бириктиришни талаб қилган.

Орипов ва Қудратхўжаев ўртасидаги бу барча келишмовчиликлар келиб чиқишида аслида шу икки киши

айбдор: Бухоро вилояти ҳокими Ўктам Барноев ва илм-фан, адабиёт ва санъат бўйича Ўзбекистон президентининг маслаҳатчиси Хайридин Султонов. Шундай қилиб...

Қадронларнинг парда орти ўйинлари

Ўктам Барноев Хайридин Султоновга, Қудратхўжаев уни ўқитувчи, шифокор ва мактаб ўқувчиларни пахта теримида жалб қилмасликка оммавий тарзда ваъда беришга мажбур қилганидан арз қилган. Хайридин Султонов эса тажрибали фитначи ва парда орти ўйинларнинг устаси сифатида, журналистнинг устидан ўзининг бевосита раҳбари (президент Мирзиёев) га эмас, балки Бош вазир

Абдулла Ориповга арз қилган.

Аммо Ориповга у Барноевнинг арзини эмас, балки Қаршидаги пресс-конференция вақтида Қудратхўжаев, бутун мамлакатга: “Шерзод халқ билан мулоқотни президентдан олдин бошлади!” деб куйлаган қашқадарёлик бахшининг (фолклор ашулачи) саҳнага чиқишини уюштиргани ҳақидаги хабарни етказган.

“Кўряпсизми, Абдулла Ниғматович? Бу карерачи (Шерзод Қудратхўжаев –У.Х.) ўзини Шавкат Мирзиёевдан ҳам илғор одам деб ўйлаётми”, – деган айёр Хайридин Султонов Бош вазирга.

Жаҳли чиққан Орипов, дархол президент шарафини ҳимоя қилиб, шуҳратпараст карерачини ўз ўрнига қўйиш керак, дея қарор қилган. Ва 21 август куни Султоновнинг турткиси билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ходимлари олдида Шерзод Қудратхўжаевни оммавий камситишни уюштиради.

Натижада президентдан Қудратхўжаев ҳам, Орипов ҳам танбех олди. Ушбу жанжалнинг асосий айбдори Хайридин Султонов эса ҳар доимгидек “беғуноҳ кўзичок”дек жазодан қутулиб қолди. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳодисанинг келиб чиқиш сабаби

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Шавкат Мирзиёевнинг кадрлар сиёсатидаги камчиликларидир.

Шерзод Қудратхўжаев билан боғлиқ ҳодиса мисолида, оммавий медиа ва жамоатчилик билан алоқа учун танланган кадрларнинг нотўғрилиги кўришиб турибди. Масалан, Шерзод Қудратхўжаев меҳнат фаолиятининг катта қисми ҳақиқий ва амалий журналистика билан эмас, аксинча журналистика атрофи ва маъмурий ишлар билан боғлиқ бўлган.

Айтиш мумкинки, Қудратхўжаевнинг вилоятдаги амалдорларга нисбатан журналистларга мос бўлмаган муносабатида, биринчи ўринда, Халқаро пресс-клуб раҳбарининг етарли даражада профессионализмга эга эмаслиги панд берди.

Қолаверса, унинг ахлоқий фазилатлари ҳам яхшироқ бўлиши мақсадга мувофиқ бўларди. Ислоҳ Каримов раҳбарлиги даврида

Шерход Қудратхўжаев Каримов диктатурасини ҳимоя қилиш ва сўз эркинлиги тарафдорларини таъқиб қилиш билан фаол шугулланиб келган. Энди эса, Шавкат Мирзиёевнинг келиши билан, бу “зато тинчлик”чи сўз эркинлиги ва Ўзбекистон амалдорлари фаолиятининг ошкоралиги тарафдори бўлиб олди.

Халқаро пресс-клубнинг раҳбари шунингдек майда шовинизм ва ирқчилик сифатларидан ҳам мосуво эмас. Шерзод Қудратхўжаев билан яқиндан таниш бўлган одамлар, у қандай қилиб намойишкорона тарзда одамларни “тошкентликлар” ва “вилоятликлар”га ажратиши ҳақида ўнлаб мисолларни айтиб беришлари мумкин. Шу сабабдан биз, Қудратхўжаев вилоятлик амалдорларга нисбатан мутакаббирлик билан муносабат қилган бўлиши мумкинлигида шубҳа қилмаймиз.

Кадрлар танлашда профессионалликнинг етишмаслигини яна бир мисоли

сифатида алоқачи Асад Хўжаевнинг Ўзбекистон президенти матбуот котиби лавозимига тайинланишини кўрсатиш мумкин. Асад Хўжаев журналистлик тажрибасига ҳам, жамоатчилик билан алоқа бўйича амалиётига ҳам эга эмас.

Биз тушуниб турибмиз, ҳозирда Мирзиёев мафқуравий содиқ, маънавий садоқатли ва профессионал кадрларга ўтқир эҳтиёж сезмоқда. Бундай вазиятда президент кадрларнинг профессионаллигига эмас, балки садоқатига суянишга мажбур бўлишини ҳам тушунамиз албатта.

Аммо, шунга қарамай, президент командасига кадрлар танлашдаги асосий мезонлардан бири тайинланаётган шахсларнинг профессионалиги бўлиши лозим.

Қолаверса, такрорлаб айтамикки, Хайриддин Султонов каби Каримовнинг фитначиларидан тезроқ қутулиш лозим.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
Сиёсатшунос
26.08.2017

1993 – йили Падари бузрукворим Болтиқ бўйи давлатлари Латвия ва Литвага иш юзасидан сафар қилганлар.

Сафар таассуротлари ҳақида гапира туриб, шундай деган эдилар:

“Латвияга бориб тушган кунимни эртасига кўчага чиқдим. Такси тўхтатиб, боришим керак бўлган манзилни тушунтирдим. Кўзимга қараб, бақрайиб тураверди. Сўнг ўзини тилида нимадир деди. Мен уни гапирганини, у мени гапирганимни тушунмадик. Чиқмадим. Такси ёш экан, эҳтимол, Рус тилини билмас дедим. Бошқа бир йўловчига юзланиб, ундан ҳам манзилни сўрадим. У ҳам ўзини тилида нимадир деб, йўлида давом этди. Кейинги йўловчи билан ҳам айни шу ҳодиса такрорланди. Хуноб бўлдим. Наҳот ҳеч ким Русчани билмайди? Булар шунчалик “деволми?”, дедим.

Бир дўконни кўриб, ичига кирдим. Сотувчига юзландим. Сотувчи эса менга:

– Русга ўхшамайсан. Миллатинг нима? – деди. Русча гапирадиган одам топганимдан хурсанд бўлиб кетдимда:

– Миллатим Ўзбек. Бу ерга иш билан келган эдим. Мана бу



“Рус тилими ёки Ўзбек тили?”

манзилга боришим керак. Лекин ҳеч ким тушунмаяпти.

– Ҳамма сени тушунади. Русча гапирганинг учун сенга жавоб беришмаяпти. Одамларга мурожаат этмасингдан аввал турист эканлигингни, Русчадан бошқа тилни билмаслигингни айт.

– Нима учун Русча гапирсам жавоб беришмайди?

– Ўз тиллари ва миллатларини ҳурмат қилишади.

Ўз хаёлларим билан дўкондан чиқдим. Мендек собиқ Совет одами учун бу ажиб бир ҳолат эди. Тил ва миллатларига бўлган ҳурматни кўриб, очиги уялиб кетдим. Бизда эса Рус тилини билган одам маданиятли ҳисобланади.”

Болтиқ бўйи давлатлари Рус пропагандасидан қутилиш, ўз тилига эга бўлиш ва тўлиқ

мустақилликка мана шу йўл билан эришган.

Давлат идораларида Русча гаплашар эканмиз, ҳужжатлар ва ёзма шаклдаги ишлар Русча олиб борилар экан, давлат телевиденяларида амалдорлар Халққа Русча мурожаат этар экан – биз мустақил эмасмиз. Рус империясини мустамлакаси бўлиб қолаверамиз.

“Кириллчани ёки лотинча?”, деган саволдан аввал бериладигани: “Рус тилими ёки Ўзбек тили?”, бўлиши керак. Давлат тили Ўзбек тили экан, Ўзбек тилимизни ҳурмат қилиб, ўз тилимизда ҳамма ишларни олиб бормас эканмиз “мустақилман”, дейишга ҳаққимиз йўқ.

Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романида шундай жойи бор: “Рус дворянлари ўртасида Французча гаплашиш урфда эди. Улар соф Французча ва ўз тилларига Французча аралаштириб гапиришар, Французча сўзлашиш маданият белгиси бўлган.

Остонада Французлар сенга ҳамла қилгани кўшин ҳозирлаб, уришишга шай бўлиб турсаю, сен душман тилида гаплашсанг!”

Sayyid Islom
facebook.com

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, бундан буён Тожикистонда мархумнинг 7 сига ва 40 ига мол сўйиш ва меҳмонлар олдида дастурхон ёйиш мумкин эмас.

Бу тақик Тожикистон парламенти 23 август куни маъқуллаган “Анъаналар, тантана ва урф-одатлар тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида назарда тутилган. Янги қонун лойиҳаси парламентга президент Эмомали Раҳмоннинг ташаббуси билан киритилган.

Янги қонун лойиҳасида, шунингдек, болани суннатга ётқизиш маросимини оила даврасида, хонандавасозандаларсиз ўтказиш назарда тутилган. Боланинг “қўлини ҳалоллаш” чақалоқ туғилганидан сўнг 20 кун

Ақиқа ўтказиш, ҳожиларни “ҳожи ака”, деб чақириш тақиқланади

ичида тиббиёт муассасасида бепул амалга оширилади.

Чақалоқ туғилганидан 7 кун ўтиб ўтказиладиган ақиқа маросимини ўтказиш умуман тақиқланди. Удумга кўра, ақиқа маросимида агар чақалоқ ўғил бўлса иккита, қиз бўлса битта қўй сўйилади.

«Бу чораларнинг барчаси ота-оналарнинг маблағларини тежаш ва халқ турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олиш учун кўрилмоқда», – дейилган Тожикистон президенти расмий сайтида.

Чоршанба куни парламент маъқуллаган қонун билан ҳаж сафаридан қайтганлар исмига “ҳожи” сўзини қўшиб айтиш ҳам

тақиқланади.

Президентнинг таклифига кўра, амалдорлар ва юридик шахсларнинг “Анъаналар, тантана ва урф-одатлар тўғрисида”ги қонуннинг бажарилиши учун масъулияти кучайтирилмоқда.

Қонунни бузган амалдорлар 25-26 минг сомонидан 35 минг сомонигача, якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар, диний арбоблар ва уламолар 35 минг (қарийб 4000 АҚШ доллари) сомонигача жарима тўлашга ҳукм қилиниши мумкин.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон президенти Мирзиёев ҳам тўйларни тартибга солиш тўғрисида гапирди.

ЎХХ хабарлар бўлими

Ўзбекистон Россияга Гулнора Каримова иши бўйича сўровнома юборди

“Спутник” ахборот агентлигининг хабар беришича, Россия Бош прокуратураси Ўзбекистон прокуратурасидан Гулнора Каримовага тегишли бўлган кўчмас мулкни ҳибсга олиш ҳақида сўровнома олган.

“Россия Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикасидан Гулнора Каримова жиноий иши бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида сўровнома келди.

Ундакўчмас мулк объектларини ҳибсга олиш сўралган. Айни дамда сўровнома кўриб чиқилмоқда. Сўровномада кўрсатилган маълумотлар махфий”, — дейилган Россия Бош прокуратурасининг РИА Новости агентлигига жавоб хатида.

Эслатиб ўтамиз, Гулнора Каримова катта миқдорда давлат ва бошқа шахслар мулкани ўзлаштирганликда айбланмоқда.

Ўзбекистон прокуратураси ходимлари Буюк Британия, Швейцария, Франция, Россия, Латвия ва Гонконгда Каримовага тегишли бўлган кўчмас мулк борлигини аниқлаган. Ундан ташқари чет эл банкларида сақланаётган бир неча миллион евро маблағ ҳам аниқланган.

Ўзбекистон Бош прокуратураси юкоридаги мамлакатларга аниқланган мулкни Ўзбекистон давлати фойдасига мусодара қилиш ҳақида сўровлар юборган.

ЎХХ хабарлар бўлими

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон мархум президенти Ислон Каримовнинг узоқ йиллик шахсий қўриқчиси Василий Матвиенко 23 август куни Новая Москва ҳудудидаги “Советский писатель” посёлкасидаги уйида ўлик ҳолда топилди.

Россия матбуоти хабарларида ёзилишича, 38 яшар полковник Матвиенко Каримов ўлимидан сўнг Москвага, бу ерда яшаб келган хотини ва қизининг ёнига кўчиб келган.

Нефть бизнесида иш бошлаган Матвиенко, хотинининг туғилган куни нишонланаётган кечада, тасодифан ўзини отиб қўйган. Тунги 1:30 ларда рўй бергани айтилаётган “бахтсиз ҳодиса” пайтида эр-хотиндан бошқа ҳеч ким бўлмаган.



Ислон Каримовнинг шахсий қўриқчиси Москвада ўлик ҳолда топилди

Воқеа тафсилотларига оид кўрсатма берган Матвиенконинг хотини, унинг ниҳоятда маст бўлгани ва қўлида ўйнаб турган пистолетни билмасдан отиб

юборганини билдирган. Ўқ юрагига теккан Матвиенко, тез ёрдам келгунга қадар ўлган. Воқеа жойига келган полициячилар, уй гаражидан жуда кўп турдаги ўқотар қуроллари топган. Тахминларга кўра, у бу қуролларни ўз дипломатик мақомидан фойдаланиб, Россия ҳудудига олиб кирган. Ўлим бўйича тергов-суриштирув олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ҳарбий

разведкаси генералининг ўғли бўлган Василий Матвиенко, айтилишича, Россия ва Ўзбекистонда яшаб келган.

ЎХХ хабарлар бўлими



Россия мусулмон давлатга айланадими?

1 сентябрь мусулмонларнинг Қурбон ҳайити байрамига тўғри келганлиги муносабати билан Россиянинг масжидларга яқин жойлашган мактабларида биринчи кўнғироқ йиғинларини 4 сентябрда кўчирилди. Россия ҳукумати мусулмонлар байрамига бу қадар эътибор ажратгани маҳаллий аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлди.

Татаристон, Бошқирдистон, Доғистон ва Ингушетия каби бир қатор ҳудудларда 1 сентябрь расман дам олиш куни деб эълон қилинди. Ўқув йили 4 сентябрдан бошланадиган бўлди.

Россия ҳукумати мусулмонлар байрамига бу қадар эътибор ажратгани маҳаллий аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлди.

Москваликларга ҳайит нега ёкмаяпти?

– Диний байрамлар сабабли мактаб йиғинини кўчириш мақсадга мувофиқ эмас. Бу масала фақат жамоатчилик яқдиллигида тўла розилик бўлсагина мумкин, – деди Москва патриархати бўлим раҳбари Владимир Легойд “РИА-Новости”га. – Менимча, мактаб ўз иш тартибида фаолият юритиши керак. Алоҳида ҳолатлар истисно тариқасида бўлиши мумкин, аммо унда жамоатчиликнинг тўла розилиги бўлиши лозим.

Оммавий ахборот воситалари маҳаллий аҳоли ва

интернет фойдаланувчилари норозилиklarини кенг ёрита бошлади.

“Путин Қурбон-байрамни мамлакатнинг бош байрами қиладими? Ҳаммани мамлакатдан чиқиб кетиш учун хужжат топширишга чақираман!!!” – дея ҳамфикрларини норозилик намоишига чорлади Леонов 47news.ru сайтида.

“Бу кетишда 20 йилдан кейин Россия мусулмон давлатга айланадиган кўринади”, – ҳавотирини билдирди муаллиф.

“Таълим вазирга шикоят ёзмамиз”

Россиянинг етакчи нашрлари ҳукуматнинг бу қарорини мактаб ўқувчилари ва ота-оналар қўлламасликлари борасида бонг ура бошлашди.

– Пойтахтда ҳали бундай қарор қабул қилинмаган эди. Биринчи синфга бораётган ўқувчига буни қандай тушунтириш мумкин? Бошқалар ҳар доимгидек мактабга борсаю, у маллалиги учун бормаса! Ахир, бу бир умрлик хотира-ку. Масжид атрофида яшайдиган болаларни бошқа мактаб болаларидан қандай ажратиш мумкин? Мен қайси мактабларда биринчи кўнғироқ бекор қилинган бўлса, таълим вазирлигига шикоят ёзишни таклиф қиламан, – деб ёзади Ирина Кузнецова.

Москва шаҳридаги

масжидларнинг бирига яқин мактаб директори Олеся Лукашук ота-оналар билимлар кунини 4 сентябр эмас, 2 сентябрда ўтказишни таклиф қилишганини билдирди. Мактаб жамоаси бунга қарши эмас.

“Қурбон байрами – Ғалаба куни билан тенг”

Мешан тумани фаолларидан бири, депутатликка номзод Станислав Мацак Қурбон байрами сабаб 1 сентябрнинг кўчирилиши ҳақидаги хабар бу қадар норозиликни келтириб чиқарганидан ҳайратда эканини айтган.

– Бу чора асло мусулмонлар учун эмас, ҳавфсизлик мақсадларида режелаштирилган. Бу ерга 90 мингдан зиёд мусулмонлар келади. Ахир улар учун Қурбон байрами – биз учун йилдаги энг яхши байрамимиз Ғалаба куни билан тенг. Аммо ким кафолот берадики, минглаб эътиқоддилар орасида бирор мияси бузуқ бир ҳодиса чиқармайди деб?!

“Газета.ру” жамоаси ҳам мусулмонларнинг диний байрамлари нимаси ҳавфли эканлиги ҳақида алоҳида тўхталди. Муаллифларга кўра, ҳукуматнинг бу қарори миллатчилик низоларини ҳам юзага келтириши аниқ.

“Адолатли қарор бўлди”

Москва муфтийси Ильдир-ҳазрат Аляутдинов мактаб йиғинларининг бошқа кунга қолдирилишини тўла маъқуллади.

Москвада камида икки миллионга яқин мусулмонлар яшашини эслатган муфтий уларнинг ибодат амалларини бажаришлари учун жойлар кўп эмаслигини таъкидлади.

“Сўнгги пайларда вилоятда қўшимча майдонлар очилмоқда, аммо кўпчилик марказий масжидларда ибодат қилишга интилгани боис, бу муаммога ечим бўла олмаяпти” – дейди муфтий.

Аляутдиновга кўра, бу борада шаҳар ҳукумати кўп миллатли пойтахтнинг тенг ҳуқуқлилик борасида адолатли қарор қабул қилганлигини билдирди.

“Бу нафақат ҳавфсизлик тадбири, балки ҳар ким ўз байрамини эмин-эркин, бир-бирдан тортинмаган ҳолда, ҳалал бермайдиган шароитларда ўтказиш имконидир.

Манба: Би-би-си Ўзбек

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, 23 август куни “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тян ўз лавозимидан озод этилган. 17 йилдан бери Тян бошқарган миллий авиакомпания раҳбарлигига “Узавтосаноат” раиси Улуғбек Рўзиқулов тайинланган.

“Яхши учувчи, ёмон бошқарувчи эди”

“Озодлик” радиоси манбаларининг айтишича, 71 яшар Тян Ислам Каримов вафотидан кўп ўтмай, пенсияга кетиш истагини билдирган, аммо президент Мирзиёев унга ҳали ишлаб туришни айтганидан сўнг, лавозимида қолган. “Ўзбекистон ҳаво йўллари”га яқин мулозимга кўра, Тян ўзи ташкил қилган ёш пилотлар ўқув-машқ марказига раҳбарликка қўйилиши мумкин.

Приморьелик этник корейс Николай Тян ва ленинградлик немис Тереза Икертнинг Қозоғистон чўлида туғилиб, Сирдарёда катта бўлган ўғли Валерий Тян ўз учувчилик фаолиятини Ан-2 (“кукурузник”) самолётидан бошлаган ва Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг 1992 йилда Тошкентдан Нью-Йоркка борган биринчи Ил-62 учқичи командири бўлган.

Россия нашрларида авиация мутахассислари билдирган фикрларга кўра, Тян постсовет ҳудудида яхши танилган учувчи-командирлардан бири бўлган.

“Валерий Николаевич, чиндан ҳам яхши учувчи, содда қилиб айтганда, яхши шофёр эди. Лекин “Ўзбекистон ҳаво йўллари”ни яратган Арслон Рўзметов каби ташкилотчи ёки авиабизнесдаги яхши бошқарувчи эмас эди. Бу одам ижрочи, исполнитель эди, бўлганда ҳам, яхши бўлмаган ижрочи эди. Биргина мисол. Унга Самарқанд аэропортини бутун Евроосиё учун ҳам йўловчи, ҳам транспорт қатнови ҳабиға айлантириш таклифини беришди. У буни ўзгартириб, Навоийда транспорт ҳаби яратмоқчи бўлди, ўхшамасди. Корейс ширкатларини олиб келди, барибир ёрдам бермади. Чунки Навоий ғоясининг ўзи ўлик туғилган бола эди. Инфраструктура йўқ, сайёҳ учун нотаниш бу чўлнинг ўртасини қандай ҳаб қилиш мумкин, ким бу ерга кўниб-учишни хоҳлайди? Самарқанд бутунлай бошқа идея эди, шуни Тян йўққа чиқарди”, дейди миллий авиакомпания эволюциясидан яхши хабардор мулозим.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари”даги хизмат кўрсатиш сифатининг ниҳоятда пастлиги, ширкат ходимларининг мижоз билан

ҚАРЗГА БОТГАН МИЛЛИЙ “ЙЎЛЛАР”

муомала қилиш маданиятини ҳанузгача ўргана олмагани, Ўзбекистон, хусусан, Тошкент халқаро аэропортидаги хизмат кўрсатиш тизимининг дунёдаги энг ёмон даражада экани ҳам, кузатувчилар фикрича, Валерий Тяннинг, яхши менежер бўлмаганига яна бир мисолдир.

Қарзга ботган миллий “йўллар”

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” расмий сайтыда келтирилган маълумотга кўра, компания авиапаркида Boeing-757/767, Boeing-787-8 Dreamliner, A-320, IL-114-100 йўловчи, ҳамда Boeing-767-300BCF юк ташувчи учқичлари бор, ширкат мунтазам суръатда дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвозларни амалга оширади.

Бироқ, компания вазиятидан яхши хабардор “Озодлик” радиоси манбаси, аслида миллий авиакомпаниянинг молиявий-иктисодий аҳволи жуда оғирлигини иддао қилди.

“Ҳозир бутун бошли миллий авиакомпанияда икки дона Ил-76 (юк ташувчи учқич -таҳр.) қолган, қолгани тамом бўлган – мотори йўқ, двигатели йўқ, корпус қолган, холос. Олинган Boeing ва А-320 ларнинг ҳаммаси кредит ва лизингда, авиакомпаниянинг миллиард доллардан кўпроқ қарзи бор. Давлатдан аэропорт реконструкцияси, авиапаркни янгилаш учун олинган маблағлар еб битирилган. Президент Мирзиёев буни яхши биларди, фақат авиаширкатни ислоҳ қилишга навбат энди етиб келди”, дейди миллий авиакомпаниядаги аҳволдан яхши хабардор суҳбатдош.

2013 йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси учта Airbus А-310 ва учта RJ-85 русумидаги учқични ким ошди савдосига қўйганини эълон қилган эди. Ушанда ихтиёрида жами 31 та учқич борлиги айтилган авиаширкат бундай чорага, мутахассислар таъкидича, зарарга ишлаб келаётгани, ўз авиапаркига техник хизмат кўрсата олмай қолгани, лизингга олинган Ғарб самолётлари учун олган улкан қарзларини вақтида қайтара олмай қолгани боис, қўл урган эди.

Аммо миллий авиаширкат ўз молиявий-иктисодий авҳолининг абгорлигини бирор марта жамоатчилик олдида эътироф этган эмас.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» сотувга қўйилади»

“Озодлик” радиоси суҳбатлашган мулозимлардан, бирининг айтишича, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” раҳбарлигига Улуғбек Рўзиқулов миллий авиакомпанияда жиддий структуравий ислохот қилиш топшириғи билан қўйилган.

«Ҳукумат дастури ишлаб чиқилапти. Унга кўра, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси приватизация қилинади, аэропортлар, учқичлар, хизматларнинг ҳаммаси хусусий ширкатларга сотилади. Тошкент аэропорти дунёдаги энг ёмон аэропортлардан бири, уни тузатишга пул йўқ. Аҳволни тузатишнинг приватизациядан бошқа йўли йўқлиги кўриниб турипти.


«Госавианадзор» ҳаво йўллариға берилган, булар хоҳласа самолёт беради, хоҳламаса бермайди, хоҳласа коридор беради, хоҳласа бермайди. Буни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» назоратидан чиқариш таклифи бор. Ширкат авиаперевозканиям, а э р о п о р т л а р н и я м, авиахавфсизликниям ўз монополиясига айлантирди ва бошқаларнинг на йўловчи ташишиға, на юк ташишиға рухсат берди. “Абу Сахий” бундан истисно. Агар ана шу монополияға йўл берилмаганда эди, бу пайтгача, Ўзбекистонда 10-15 та кичик-кичик хусусий авиаширкатлар ишлаб турган бўларди, аэропортларимиз дунёдаги энг ёмон аэропортлар рўйхатиға тушмас, йўловчилар бунча қийналмас эди, авиаперевозкалар бунча қиммат бўлмас эди.

Халқаро майдондаги аҳвол ҳам абгор. Хорижавиакомпанияларининг Ўзбекистонға учишни атайлаб невидгодний қилиб қўйишди. Билетларни сўмға сотасан дейишди, лекин уларнинг сўмини конвертация қилиб беришмади. Аэропортни қиммат, қўниш-кўтарилишни қиммат, парковка нархларини қиммат қилиб қўйишди. Lufthansa, Czech Airlines кабилар Ўзбекистонға учмай қўйди, Россия ширкатлари талашиб-тортишиб, билетларни долларға сотиладиган қилишға эришди, арзон авиаширкатлар Ўзбекистонға умуман яқинлашмади. Ана шуларнинг ҳаммаси энди босқичма-босқич ислоҳ қилинади. Ҳар қалай, берилган таклиф, муҳокамадаги тавсиялар, стратегиядаги гаплар шу мазмунда. Ижроси қандай бўлади, бу бошқа масала», деди 23 август куни раиси ўзгарган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ширкати яқин келажағига тўхталган “Озодлик” радиоси суҳбатдоши.

УХҲ хабарлар бўлими

Россиянинг Узоқ Шарқ ўлкаларини сўнгги 20 йил ичида 2 миллиондан зиёд маҳаллий аҳоли тарк этган, меҳнат муҳожирлари сони эса 15 фоизга ортган.

Жорий йил бошидан буён 400 мингдан зиёд хорижликлар Узоқ Шарқ федерал округида миграция ҳисобига қўйилган. Меҳнат муҳожирларининг энг



Россия ҳукуматининг Марказий осиелик меҳнат муҳожирларини Узоқ Шарққа жалб этиш тараддуди россиялик айрим расмийларни хавотирга солди. Август ойининг ўзида рус матбуотида “Узоқ Шарқ хавф остида” мавзусида бир қатор мақолалар туркумлари пайдо бўлди.

“Узоқ Шарқ федерал

Узоқ Шарқни ўзбеклар эгаллаб олишидан хавфсирашаяптими?

катта қисми ўзбекистонликлар, тожикистонликлар, хитойлик ва шимолӣ корейликларни ташкил этади.

Она ерни нега ташлаб кетишаяпти?

Россияликларни Узоқ Шарққа жалб этиш учун ҳукумат 1 гектардан бепул ер, муҳожирлар учун вақтинча яшаш ва фуқаролик ҳужжатларини енгиллаштирилган тартибда олиш имкониятларини беради. Худудларда асосан қурилишлар ва қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланиш таклиф этилади.

Маҳаллий аҳолининг она ерларини ташлаб кетишларига Узоқ Шарқ худудларининг ижтимоӣ, яшаш-коммунал ва транспорт инфратузилмаларининг р и в о ж л а н м а г а н л и г и , иқтисодиётнинг катта қисмларида даромад даражаси пастлиги, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларига юқори даражада боғлиқлик сабаб сифатида кўрсатилади.

“Қишлоқ аҳолисининг бандлиги алоҳида ташвишлантиради. Бу ерда ишсизлар сони жуда юқори. Айниқса, бундай мураккаб вазиятлар Еврей автоном республикаси, Примор ва Камчатка ўлкаларида қайд этилган”, – дейди РФ Ҳавфсизлик кенгаши котиби Патрушев.

Мигрант “Уй бер!” демайди...

Хабаровск ўлкаси раҳбари Александр Соколов шаҳарнинг ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожига бағишланган матбуот анжуманида худудга кўпроқ осиелик меҳнат муҳожирларини ишга таклиф қилиш фикрини айтди.

Чет эллик ишчилар вазифаларига

хабаровскликлардан кўра маъулиятли ёндошадилар, – деди шаҳар мэри. – Бундан ташқари, Хабаровскда яшовчилардан кўра, нисбатан мигрантларнинг талаби кам. Биласизлар, улар 18 кишилаб вагончада яшаб ҳам юраверади. Чунки улар келган жойларда аҳвол бундан ҳам ёмон.

“Бу тоифа билан ишлаш керак: иш билан таъминлаш, ҳозирги турмушларидан кўтарилиш имконини бериш керак. Улар ҳеч нима илтимос қилмайди, на уй, на бошқа нарса. Фақат фарзандини боқчага жойлаштириши учун миграция ҳисобга қўйишда ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Мигрант “уй беринглар” демайди, у ер хайдайди, ишлайди”

Муҳожирлар учун махсус телеканал

Июль ойининг бошида Ички ишлар вазирлиги Россия миграция сиёсатининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган концепциясини тайёрлади. Вазирлик аввало, биринчи навбатда Узоқ шарққа россияликларнинг ўзини фаол кўчишга жалб қилишни таклиф этган. Бунинг учун 1 млн рублгача миқдорида маблағ берилиши ва қулай ижтимоӣ инфратузилма яратиш мўлжалланмоқда.

Мазкур концепциядан меҳнат муҳожирларининг худудга мослашувини ташкиллаштириш борасида чора-тадбирлар ҳам ўрин олган.

ИИБ чет элдан ишлашга келган муҳожирлар учун нафақат “аҳборот ва ҳуқуқий ёрдам маркази”, балки махсус телеканал очишни ҳам таклиф қилмоқда.

Расмийлар муҳожирлар кўпайишига қарши

округлари аҳолиси сонини орттириш муаммоси ечимини Россия фуқароларининг худудда муқимлигини таъминлаш, туғилиш сонини ортиши учун шароитларни яратишда давом этиш, ўлим ҳолларини камайтириш билан амалга ошириш керак”, – деди Ҳавфсизлик кенгаши котиби Петушов.

Унинг фикрига кўра, худуд аҳолиси сонини мигрантлар ҳисобига ошишига чек қўйиш зарур. Акс ҳолда, чет элликлар туб аҳоли миллатининг ўзгаришига ҳам жиддий таъсирини ўтказди. “Миграция назоратини кучайтириш керак!” – таъкидлади Петушов.

Айни вақтда Узоқ Шарқ ерларида 6,2 млн аҳоли истиқомат қилади.

“Аҳоли сонини ошириш керак, аммо меҳнат муҳожирлари ҳисобига эмас”, – дейди Россия илмий академияси худудлар муаммолари таҳлили институтининг илмий ходими Светлана Мишук. – “Меҳнат муҳожирлари Узоқ Шарқ иқтисодиётини ушлаб туришда ўрни бордир, аммо уни келажакда ривожлантиришга кўмаклашмайди”

Шунга қарамай, Россия Президенти шу йилнинг 1 июнида “2017-2015 йилларда давлат миллий сиёсатини амалга ошириш” Давлат дастурини тасдиқлади ва мигрантларни мослаштириш билан шуғулланиш дастурига Миллатлар иши бўйича федерал агентлиқни ҳам жалб этди.

Манба: bbc.com/uzbek

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мухаррир: Нурбек Саломов